



X. Омондуллаев,

магистратура талабаси, "ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университети

A. Курбанов

ассистент, Жиззах политехника институты

КОНДЕНСАТОР БАТАРЕЯСИННИГ ИШДАН ЧИҚИШ САБАЛЛАРИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ТАРМОҚЛАРДА ҚУВВАТ ИСРОФЛАРНИ РЕАКТИВ ҚУВВАТНИ КОМПЕНСАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ КАМАЙТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада электр тармоқларида қувват истрофларни реактив қувватни компенсациялаш орқали камайтириш масаласининг қўйилиши, уни ечиш усуслари ва оптимал реактив қувватни хисоблаш алгоритмлари келтирилган. Ушбу маълумотлар асосида конденсатор батареясининг ишдан чиқиши сабаблари хам келтириб ўтилган.

Kalit so‘zlar: Электр энергия исрофи, реактив қувватни компенсациялаш, актив қувват истрофи, ташкилий техник тадбирлар, конденсатор батареясининг ишдан чиқиши сабаблари.

Реактив қувватни компенсациялаш электр таъминоти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили (воситаси) ҳисобланади. У фақат қувват истрофини камайтирибгина қолмай, электр энергия сифатини оширади ва электр тармоқлари ва электр станцияларининг юкини енгиллаштиради [1].

Реактив қувват манбаларига генераторлар, компенсаторлар, синхрон двигателлар, конденсаторлар ва бошқа статик ростловчи манбалар киради. Реактив қувватни ЭУЛ лари ҳам ишлаб чиқаради (110 кВ ва юкори кучланишларда аҳамиятга эга) [2].

Синхрон двигатель (СД) электр энергиясининг истеъмолчиси бўлиб, актив қувватни истеъмол қилиш билан бир вақтда қўзғатиш токининг қийматига боғлиқ ҳолда реактив қувватни истеъмол қилиши ва ишлаб чиқариши мумкин.

Синхрон компенсатор (СК)лар талаб этилган реактив қувватни ишлаб чиқариши ва истеъмол қилиши мумкин. У роторининг айланиши учун кичик микдордаги актив қувватни истеъмол қиласди.

Шундай қилиб, генератор, СД ва СК заруриятга мувофиқ тарзда реактив қувватни ишлаб чиқариши (ўта қўзғалган ҳолатда) ва истеъмол қилиши (кам қўзғалган ҳолатда) мумкин.

Конденсатор батареялари истеъмолчиларга параллел (кўндаланг компенсация) ёки линияга кетма-кет (бўйлама компенсация) уланиши мумкин.

Батареяда конденсаторлар параллел уланганда ундаги кучланиш нормал ҳолатда тахминан ўзгармас бўлади. Бунда у ишлаб чиқарувчи реактив қувват қуидагича аниқланади:

$$Q_{KV} = U_c^2 \omega C$$

Формуладан кўриниб турибдики, реактив қувват батарея сигимига тўғри пропорционал.


Конденсатор батареясининг афзалликлари:

- арzonлиги;
- актив қувват истрофининг камлиги;

- кичик қувватларда хам ишлатиш мумкинлиги;
- мустаҳкамлиги ва ишлатишида ишончлилиги (харакатланувчи қисмларнинг йўқлиги)
- кучланиши ўзгариш чизиги шаклининг яхшиланиши.

Синрон компенсаторларнинг афзалликлари:

- реактив қувватни бир текис ростлаш имконияти мавжудлиги;
- реактив қувватни ишлаб чиқариш, ҳамда истеъмол қилиш имкониятлари мавжудлиги.



Реактив қуввати компенсацияланмаган тармоқда қувват исрофи

$$\Delta P = \frac{P_n^2 + Q_n^2}{U_n^2} r_n$$

Реактив қуввати компенсацияланган тармоқда қувват исрофи [4-12]:

$$\Delta P = \frac{P_n^2 + (Q_n - Q_k)^2}{U_n^2} r_n$$

Юкорида келтирилган исроф формуласидан кўриниб турибдики, компенсацияловчи ускунанинг қуввати Q_k қу қанча катта бўлса ($Q_k < Q$ бўлган ҳолатда), қувват исрофи шунча кичик бўлади. Лекин, исрофни бу усулда камайтириш компенсацияловчи ускуналарга сарфланувчи кўшимча харажатларни талаб қиласди. Бу харажатларни техник-иктисодий ҳисоблашларда эътиборга олиш лозим.


Генераторнинг актив ва реактив қувватлари орасидаги муносабат

$$S = \sqrt{P^2 + Q^2}$$

тengлик билан белгиланади.

Актив қувватнинг ортиши реактив қувватни камайишига олиб келади ва аксинча. Бироқ генераторларнинг актив қувватини камайтириш ҳисобига уни реактив қувват билан юклаш купгина ҳолатларда самарали эмас.

Схемаси 1-расмда келтирилган очиқ электр тармоқнинг чекка пунктидаги истеъмолчисида уланувчи реактив қувват компенсаторнинг тармоқдаги исрофнинг минимал бўлишини таъминловчи оптималь қувватини топиш талаб этилади [13].





1- расм

1-2 ва 2-3 шохобчалардаги қувватлар оқимларини 2- ва 3- тугунлар учун Кирхгофнинг биринчи қонунидан фойдаланиб ифодалаймиз:

$$\dot{S}_{12} = 1,5 + j(0,8 - Q_k),$$

$$\dot{S}_{23} = 0,5 + j(0,3 - Q_k).$$

Электр тармоқдаги актив қувват исрофини компенсаторнинг номаълум қуввати орқали ифодалаймиз:

$$\Delta P = \frac{P_{12}^2 + Q_{12}^2}{U_n^2} r_{12} + \frac{P_{23}^2 + Q_{23}^2}{U_n^2} r_{23} = \frac{1,5^2 + (0,8 - Q_k)^2}{10^2} 5 + \frac{0,5^2 + (0,3 - Q_k)^2}{10^2} 3.$$

Компенсаторнинг оптималь реактив қувватини актив қувват исрофи функцияси минимумлигининг зарурий шартидан фойдаланиб топамиз:

$$\frac{\partial \Delta P}{\partial Q_k} = -\frac{2(0,8 - Q_k)}{100} 5 - \frac{2(0,3 - Q_k)}{100} 3 = 0,$$

$$Q_{k,omn.} = \frac{0,08 + 0,018}{0,1 + 0,06} = 0,612 \text{ МВАР} = 612 \text{ кВАР}.$$

Реактив қувватни компенсациялашдан олинувчи самарани баҳолаш учун дастлабки ва компенсаторни улашдан кейинги ҳолатлардаги актив қувват исрофларини солиштирамиз.

Дастлабки тармоқ учун:

$$\Delta P = \frac{1,5^2 + 0,8^2}{10^2} 5 + \frac{0,5^2 + 0,3^2}{10^2} 3 = 0,155 \text{ МВт};$$

Реактив қуввати компенсацияланган тармоқ учун:

$$\Delta P_s = \frac{1,5^2 + (0,8 - 0,612)^2}{10^2} 5 + \frac{0,5^2 + (0,3 - 0,612)^2}{10^2} 3 = 0,117 \text{ МВт}.$$

Шундай қилиб, тармоқ охирида реактив қувватни оптималь компенсациялаш натижасида ундаги исроф

$$\Delta \Delta P = \Delta P - \Delta P_s = 0,155 - 0,117 = 0,038 \text{ МВт} = 38 \text{ кВт га, яъни } 24,5\% \text{ га камаяди.}$$

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида биз конденсатор батареясининг афзаликлари билан бир қаторда конденсатор батареяларининг ишдан чиқиши сабабларини хам айтиб ўтиш жоиз деб хисоблаймиз. Конденсатор батареяларининг ишдан чиқиши сабабларига асосан икки сабаб асос бўла олади. Булар конденсатор батареяларида юзага келадиган ток ва кучланиш резонансларидир. Конденсатор батареяларида юзага келадиган ток ва кучланиш резонансларига асосий сабаб конденсатор батареяларини нотўғри танлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Насиров Т.Х., Гайибов Т.Ш. Теоретические основы оптимизации режимов энергосистем. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 184 с.
2. Гайибов Т.Ш. Методы и алгоритмы оптимизации режимов электроэнергетических систем. – Т.: Изд. ТашГТУ, 2014, 188 с.



3. Abror Q. Development of Magnetic Characteristics of Power Transformers //Fazliddin, A., Tuymurod, S., & Nosirovich, OO (2020). Use Of Recovery Boilers At Gas-Turbine Installations Of Compressor Stations And Thyristor Controls. The American Journal of Applied sciences. – 2020. – T. 2. – №. 09. – C. 46-50.
4. Abror Q. Research and Analysis of Ferromagnetic Circuits of a Special Purpose Transformer //Fazliddin, A., Tuymurod, S., & Nosirovich, OO (2020). Use of Recovery Boilers At Gas-Turbine Installations Of Compressor Stations And Thyristor Controls. The American Journal of Applied sciences. – 2020. – T. 2. – №. 09. – C. 46-50.
5. Kurbanov A., Kurbanova B., Kurbanov A. COMPOSITION OF STUDENTS'INTELLECTUAL COMPETENCES //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE "SCIENTIFIC ADVANCES AND INNOVATIVE APPROACHES". – 2023. – T. 1. – №. 4. – C. 33-40.
6. Qurbonov A. et al. "ZARBDOR TEXTILE" MCHJNING SAMARADORLIK KO'RSATKICHINI OSHIRISH MAQSADIDA O'R NATILADIGAN TRANSFORMATORLARNING SONI VA QUVVATINI HISOBBLASH //Физико-технологического образования. – 2022. – №. 2.
7. Qurbanov A. BO 'LAJAK MUHANDIS-ELEKTRIKLarda INTELLEKTUAL KOMPETENTSIYALARINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI VA BOSQICHLARI //Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi. – 2023. – №. 6. – C. 669-675.
8. Razzaqovich Q. A. et al. SANOAT KORXONALARI ELEKTR TA'MINOTIDA ELEKTR YUKLAMALARI KARTOGRAMMASINI QURISH VA BPP NING O 'RNATILISH JOYINI ANIQLASH //E Conference Zone. – 2022. – C. 358-361.
9. Qurbonov A., Qurbonov A., Qurbonova B. OLIY TA'LIM MUASSALARIDA TALABALARNING INTELLEKTUAL KOMPETENTSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK JIHATLARI //Физико-технологического образования. – 2022. – №. 2.
10. Qurbonov A., Qurbonov A., Qurbonova B. MUHANDIS-ELEKTRIKLARNI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASHDAGI BUGUNGI KUN TALABLAR //Физико-технологического образования. – 2022. – №. 2.
11. Kurbanov A., Kurbanova B., Kurbanov A. COMPOSITION OF STUDENTS'INTELLECTUAL COMPETENCES //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE "SCIENTIFIC ADVANCES AND INNOVATIVE APPROACHES". – 2023. – T. 1. – №. 4. – C. 33-40.
12. Barno K. ELECTRONIC ELEMENTS IN THE USE OF SOLAR ENERGY //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – T. 5. – №. 2. – C. 343-347.
13. Barno K. ANALYSIS OF SOLAR THERMAL AND PHOTOVOLTAIC SYSTEMS //Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. – 2024. – T. 7. – №. 3. – C. 249-258.